# Единый портал корпоративной информации

## Объявления

"O'zog'irsanoatloyiha" AJ
Объявление
"O'ZOG'IRSANOATLOYIHA INSTITUTI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

«O’ZOG’IRSANOATLOYIHA» INSTITUTI AJ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВИНИ БАҲОЛАШ УЧУН МУСТАКИЛ БАХОЛОВЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

«O’zog’irsanoatloyiha» Instituti AJ жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича корпоратив бошқарувини Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси талаблари юзасидан баҳолаш учун мустакил бахоловчи ташкилотни танлаш бўйича танлов эълон қилади.

***Танловда иштирок этмоқчи бўлган Корпоратив бошқарувни бахолаш ҳуқуқига эга бўлган мустақил ташкилотларни қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишини сўраймиз:***

- ташкилот ҳақида қисқача маълумот (ташкил этилган йили, манзили, телефон рақамлари, электрон почта манзили, веб-сайт, алоқа учун шахс);

- давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

- тегишли лицензиянинг нусхаси (мавжуд бўлса);

- баҳолашда иштирок этадиган қимматли қоғозлар бозори мутахассиси (мутахассислари) нинг малака сертификати ёки корпоратив бошқарувнинг малака сертификати нусхаси;

- баҳолаш учун иш режаси ва муддати;

- тендерда иштирок этиш учун тижорат таклифи ва қиймати;

- текшириш учун шартнома лойиҳаси.

Тижорат таклифлари ёпиқ ва муҳрланган конвертларда ***2020 йил 28-февралгача*** 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 88-уй манзили бўйича топширилиши керак.

Тижорат таклифлари 8.00-17.00 гача қабул қилинади; танаффус: 12.00-13.00

Дам олиш кунлари: шанба, якшанба.

Белгиланган муддат тугаганидан кейин берилган таклифлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Мурожаат учун телефон рақамлари: (+998 71) 286-11-25, (+998 90) 808-00-76

Электрон почта манзили: uztp@proekt.uz (mailto:uztp@proekt.uz)

14.02.2020

Источник: http://openinfo.uz/uz/announce/8179/
Дата: 08.04.2020